

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

МУБОРАК ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон Ҳайитининг маънавий ҳаётимизда меҳроқибат, бағрикенглик, мурувват, дўстлик ва ҳамжиҳатлик каби эзгу тамойилларни мустаҳкамлаш борасидаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Ушбу қутлуг айёмни муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш, муқаддас ислом динининг инсонпарварлик гоялари ҳамда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2024 йилда муборак Қурбон Ҳайитининг биринчи куни 16 июнь – яшанба кунига тўғри келиши тўғрисида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилиниб, юртимизда 16 июнь куни Қурбон Ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Қуйидагилар:

а) Меҳнат кодексининг 208-моддасига мувофиқ:

ишланмайдиган байрам куни хи-

сбланувчи Қурбон Ҳайитининг биринчи куни дам олиш кунига тўғри келиши муносабати билан ушбу дам олиш куни 17 июнь – душанба кунига кўчирилиши;

бунда ишлаб чиқариш-техник ва ташкилий шароитлар (мавжуд узлуксиз ишлаб чиқариш, аҳолига ҳар куни хизмат кўрсатиш, навбатчилик асосида ишлаш ва бошқалар) туфайли ишланмайдиган байрам кунлари тўхтатиб қўйиш мумкин бўлмаган ишларни бажаришда дам олиш кунлари кўчирилмаслиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 22 декабрдаги “2024 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида кўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида”ги ПФ-213-сон Фармони билан 18 июнь – сешанба куни барча ходимлар учун кўшимча дам олиш куни этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда муборак Қурбон Ҳайитини халқимизнинг миллий анъана ва урф-одатларига уйғун ҳолда ўтказиш учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

4. Туризм қўмитаси Транспорт вазирлиги билан биргаликда юртдошларимиз

учун муборак Қурбон Ҳайити кунларида мўътабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадимжоларга зиёратларни ташкил этиш мақсадида қулай шароит ва имкониятлар яратсин.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон Ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М.М. Камилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри,

2024 йил 11 июнь

ХАЛҚАРО КОНГРЕСС

ЭНГ САМАРАЛИ СТРАТЕГИЯ – ЎЗ ВАҚТИДА ВА ТЎҒРИ ТАШХИС
ҚЎЙИШ, САМАРАЛИ ДАЛИЛЛАРГА АСОСЛАНГАН ДАВОЛАШДИР

Ўзбекистонда болалар онкологияси ва гематологияси бўйича "Далилларга асосланган ҳаракат" биринчи Халқаро конгресси ўтказилди. Конгресс 300 дан зиёд иштирокчи, шу жумладан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро болалар онкологлари жамияти, Европа онкологлар мактаби, хоризжий университет клиникалари ва етакчи тиббиёт марказлари раҳбарлари, халқаро ва миллий илмий доиралар ва фуқаролик жамияти вакиллари тўплади.

Йилда пойтахтимизда Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунология маркази ишга тушди. Марказни ташкил этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, беморлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва уларни зарур дори-дармонлар билан таъминлаш чоралари кўрилди.

Ўзбекистон Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томони-



замонавий диагностика усуллари билан фойдаланишни яхшилаш, саратон ва гематологик касалликларга чалинган беморларни даволаш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, терапия самардорлиги ва болаларнинг умумий фаровонлигини оширишдан иборат.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ЖССТнинг Болаларни саратон касаллигидан даволаш учун дори воситалари билан таъминлаш бўйича Глобал платформада иштирок этиш учун танлаб олинди. Унга асосан саратон касаллигига чалинган болалар учун сифатли дори воситалари-

ни узлуксиз қабул қилиш ҳамда уларни бу йўналишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган. Дунёда биринчи бўлган ушбу платформа ЖССТ ва АКШнинг Сент-Жуд болалар илмий-тадқиқот шифохонасининг лойиҳаси бўлиб, болаларни молиявий қийинчиликларсиз хавфсиз, самарали ва сифатли саратонга қарши дори воситалари билан таъминлашга қаратилган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига қўра, бола-



Таъкидлаш лозимки, давлатимиз раҳбари томонидан кейинги йилларда Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга

катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, болалар онкологияси ва гематология хизматини катталарниқидан босқичма-босқич ажратиш амалга оширилди. 2022

дан болалар саратонига қарши Глобал ташаббусида иштирок этиш учун танланган мақсадли мамлакатлар ўнгаллиги қаторига кирди. Бунда асосий вазифалар

ХАЛҚАРО КОНГРЕСС

ЭНГ САМАРАЛИ СТРАТЕГИЯ – ЎЗ ВАҚТИДА ВА ТЎҒРИ ТАШХИС ҚЎЙИШ, САМАРАЛИ ДАЛИЛЛАРГА АСОСЛАНГАН ДАВОЛАШДИР

◀ Давоми. Боши 2-бетда

лар орасида саратоннинг олдини олиш, унинг юқини камайтириш ва касаллик кечилишининг натижаларини яхшилашнинг энг самарали стратегияси – ўз вақтида ва тўғри ташхис қўйиш, сўнгра самарали далилларга асосланган даволаш ва шахсга йўналтирилган ёрдам кўрсатишдир.

Ушбу вазибаларни бажариш йўлида тажриба алмашиш майдонига айланиши кўзда тутилган мазкур конгресс Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан ЖССТ, Халқаро болалар онкологияси жамияти, Европа онкология мактаби билан ҳамкорликда ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи хоними Зироат Мирзиёева конгрессдаги нутқида "бу ерга биз ягона мақсадни кўзлаб, ўғил-қизларимизнинг ҳаётига зомин бўлаётган энг оғир касалликлардан бирини

енгиш учун йиғилдик. Ҳар бир бола яшашга ҳақлидир. Болалар келажақда соғлом бўлиши, тўлақонли ҳаёт кечириши учун барча имкониятларни ишга солиш бизнинг бурчимиздир", деб таъкидлади.

Уч кун давом этган халқаро конгресснинг асосий мақсади – энг сўнгги илм-фан ютуқлари, илғор диагностика ва даволаш усулларини муҳокама қилиш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, беморларнинг руҳий-ижтимоий ва маданий ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда таълим

олишини қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистонда болалар саратонини даволашда илғор халқаро ва инновацион амалиётларни жорий қилишдир.

Конгресс Ўзбекистон ҳукуматининг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг болалар саратонига қарши кураш бўйича Глобал ташаббусида иштирок этиш доирасида 2030 йилгача онкологик касалликларга чалинган болаларнинг омон қолиш даражасини 60 фоизга ошириш вазифасини бажаришга тайёрлигининг тасдиғи ҳисобланади.



Тадбирда маҳаллий мутахассисларимиз хорижлик ҳамкасблари билан биргаликда болаларнинг онкологик, гематологик ва иммунологик касалликларини даволашдаги йўналишлар ва самарали чораларни муҳокама қилишди. Конгресс натижаси сифатида эса болалар онкологик ва гематологик касалликларини самарали даволашни таъминлаш учун унинг "Ҳаракатга рағбат" жамоавий декларацияси қабул қилинди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ҚУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 17 январда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 30 мартда маъқулланган.

Мамлакатимизда фармацевтика ва кимё саноатини халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда ривожлантириш ҳамда унга илғор илмий-техника ютуқларини ва инновацияларни жорий этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Дори воситаларини ишлаб чиқарувчиларга қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида мазкур Қонун билан «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига дори моддаларини (субстанцияларни) давлат рўйхатидан ўтказиш тартибининг бекор қилинишини назарда тутувчи ўзгартириш киритилмоқда. Шу билан бирга «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги ҳамда «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига дори воситаларини рецепт билан ва рецептсиз бериладиган дори воситалари тоифасига киритиш тартибини тасдиқлаш ваколатини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги зиммасига юкловчи, шунингдек, рецептсиз ёки шифокор рецепти бўйича бериладиган дори воситалари тўғрисидаги ахборотни уларнинг тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаларда ҳамда Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюм-

лар ва тиббий техника давлат реестрида кўрсатиш талабини жорий этувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Бундан ташқари импорт ўрнини босувчи кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш мақсадида «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига юридик шахсларга IV рўйхат доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган айрим прекурсорларни тегишли лицензияларга асосан ишлаб чиқариш ва тайёрлаш ҳуқуқини берувчи ўзгартириш киритилмоқда.

Ушбу Қонун аҳолининг ва тадбиркорлик субъектларининг тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари тўғрисидаги хабардорлик даражасини оширишга, шунингдек, инвесторларни жалб этиш учун шарт-шароитлар яратишга ҳамда кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги 265-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 128-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 10, 473-модда; 2010 йил, № 5, 177-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 265, 267-моддалар, № 9, 589, 592-моддалар; 2020 йил, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 797-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда, № 11, 1061-модда; 2023 йил, № 1, 2-модда) 35-моддасининг биринчи қисми чиқариб ташлансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги 415-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 4 январда қабул қилинган ЎРҚ-399-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 1, 1-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2020 йил, № 7, 449-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2023 йил, № 11, 922-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) 6-модда биринчи қисмининг ўн бешинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«дори воситаларини рецепт билан ва рецептсиз бериладиган дори воситалари тоифасига киритиш тартибини тасдиқлайди»;

2) 12-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«дори воситалари (бундан дори воситаларини ишлаб чиқаришда қўлланиладиган дори моддалари (субстанциялар) мустасно)»;

3) 14-модда:
биринчи қисмининг:
бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

олтинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошилари тегишинча бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошилари деб ҳисоблансин;

иккинчи ва учинчи қисмлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Рецептсиз бериладиган дори воситалари тўғрисидаги ахборот дори воситаларининг тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаларда, шунингдек, Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестрида кўрсатилади. Рецептсиз бериладиган дори воситалари тўғрисидаги ахборот оммавий ахборот воситаларида ва ихтисослаштирилган босма нашрларда ҳам берилиши мумкин.

Рецепт бўйича бериладиган дори воситалари тўғрисидаги ва тиббий буюмлар

Давоми 3 - бетда ▶

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҚУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

«Давоми. Боши 2-бетда»

ҳақидаги ахборот фақат тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун мўлжалланган ихтисослаштирилган босма нашрларда, дори воситаларининг ва тиббий буюмларнинг тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаларда, шунингдек, Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестрида берилди»;

4) 20-модданинг иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Дори воситаларини чакана реализация қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклдаги рецептлар бўйича ёки рецептсиз амалга оширилади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги 813-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 210-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 4, 138-модда, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 592-модда; 2020 йил, № 3, 203-модда, № 7, 449-модда, № 10, 597-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 569-модда) 19-моддасининг тўртинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«IV рўйхат доирасида Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган айрим прекурсорларни ушбу Қонунда назарда тутилган мақсадларда ишлаб чиқариш ва тайёрлаш юридик шахслар томонидан уларда муайян прекурсорларни ишлаб чиқариш ҳамда тайёрлаш учун лицензиялар мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжлари доирасида амалга оширилади».

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонуннинг 3-моддаси ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг

Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 30 май,
ЎРҚ-928-сон

(Қонунчилик маълумотлари миллий бази-
си, 31.05.2024 й., 03/24/928/0384-сон)

ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИНИНГ ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ ХАЛҚАРО АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИЛДИ

Президентимизнинг “Соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Тошкент тиббиёт академиясининг таълим дастурлари халқаро аккредитациядан ўтказилди.



Ўтди. Тошкент тиббиёт академиясининг 10 та бакалаврият таълим йўналиши ҳамда 9 та магистратура, клиник ординатура ва малака ошириш мутахассисликлари – жами 19 та таълим дастури Бутунжаҳон тиббий таълим федерацияси (World Federation of Medical Education – WFME) халқаро стандартларига мувофиқлиги бўйича мустақил аккредитация ва рейтинг агентлиги – IAAR томонидан халқаро аккредитациядан ўтказилди.

Аккредитация ва рейтинг мустақил агентлиги вакиллари томонидан

Бир йил давомида 20 та давлатдан жалб қилинган халқаро экспертлар иштирокида академиянинг фаолияти ўрганилди. Натижада барча мавжуд 10 та бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда магистратура, клиник ординатура ва малака ошириш мутахассисликлари бўйича, жами 19 та таълим дастурлари Бутунжаҳон тиббий таълим халқаро стандартларига мос деб топилди.

– Тошкент тиббиёт академиясида Таълим сифатини таъминлаш



бўйича мустақил халқаро аккредитация ва рейтинг агентлиги (IAAR) вакиллари иштирокида ушбу халқаро стандартларга мослик тўғрисидаги сертификатларнинг топшириш маросими бўлиб

академиянинг ушбу таълим йўналишлари халқаро аккредитациядан ўтганлигини тасдиқловчи сертификатлар тантанали топширилди.

@ssvuz

ДИҚҚАТ:

АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ТЕХНИКУМЛАРИГА ҚАБУЛ ТАРТИБЛАРИ ТАСДИҚЛАНДИ

–2024/2025 ўқув йили учун коллеж ва техникумларнинг касб ва мутахассисликларига мос тест синови топшириладиган фанлар мажмуаси, тест топшириқлари сони ҳамда баҳолаш мезонлари тасдиқланди.



Барча тест топширувчилар учун мажбурий бўлган 3 та фан бўйича:

– Она тили (ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тили) – 10 та савол.
Ҳар бири учун 1.1 баллдан.
Максимал балл – 11 балл.

– Математика – 10 та савол.
Ҳар бири учун 1.1 баллдан
Максимал балл – 11 балл.

– Ўзбекистон тарихи – 10 та савол.
Ҳар бири учун 1.1 баллдан.
Максимал балл – 11 балл.

Жами тўплаш мумкин бўлган балл – 33 балл.

– Касб ва мутахассисликка мос бўлган тест синови топшириладиган 2 та фан бўйича:

1-фан – 30 та савол.
Ҳар бири учун 3.1 баллдан.
Максимал балл – 93 балл.

–2-фан – 30 та савол.
Ҳар бири учун 2.1 баллдан.
Максимал балл – 63 балл.

–Жами тўплаш мумкин бўлган балл – 156 балл.

– 5 та фан бўйича максимал балл 189.

–Файлни юклаб олиш.

Эслатиб ўтамыз, коллеж ва техникумларга ҳам рўйхатга олиш my.uzbmb.uz сайти орқали амалга оширилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Матбуот хизмати.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

ЎЗБЕКИСТОН ПУЛЬМОНОЛОГИЯСИ: КЕЛИБ ЧИҚИШИ, БОСҚИЧ ВА ЮТУҚЛАРИ

Жорий йилнинг 12 июнь кuni пойтахтимизда “Ўзбекистон пульмонологияси: келиб чиқиши, босқичлари ва ютуқлари мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Мазкур анжуманда юртимиз олим ва мутахассислари, шунингдек, Россия, Грузия ва бошқа хорижий давлатлардан соҳа мутахассислари иштирок этди.



Халқаро анжуманни Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг фан-таълим ва инновация бошқармаси бошлиғи Ўтган Исмаилов кириш сўзи билан

Осиё пульмонологлар Ассоциацияси Вице – Президенти (Тошкент ш), Евро Осиё пульмонологлар Ассоциацияси Элект – Президенти Абдулла Убайдуллаевнинг ҳаёт ва фа-



очиб, мавзу доирасида келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон пульмонологиясининг кеча ва бугунги тўғрисида ўз фикрларини билдириб, мамлакатимизда пульмонология мактабига асос солган, 90 ёшни қарши олган академик, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги, шунингдек, Европа Респиратор жамияти фахрий аъзоси (Париж), Халқаро сил ва ўпка касалликларига қарши кураш иттифоқи аъзоси (Париж), Нью-Йорк фанлар академияси академиги, “Интер-астма Россия – МДХ жамияти” бошқарув аъзоси (Москва ш), Россия Фанлар академияси доктори (Москва ш), Ўзбекистон пульмонологлар жамияти раиси (Тошкент ш), Марказий

олият йўлларида ҳам алоҳида эътибор қаратди. Республика тиббиёт ходимлари касбий малакасини ривожлантириш маркази директори профессор Ҳабибулло Оқилов ҳам сўз олиб халқаро анжуман ўзининг мазмун ва моҳиятига эга эканлиги ҳамда халқимиз саломатлиги йўлида фидойиларча меҳнат қилган академик Абдулла Убайдуллаев ва шунингдек, пульмонология соҳаси ривожини юксалтирган соҳа ходимларининг меҳнатларини эътироф этди. Шунингдек, Н. Пирогов номидаги Россия миллий илмий тиббиёт университети пульмонология кафедраси мудири, профессор Россия респиратор жамияти президенти А. Беливский сўзга чиқиб,

мамлакатимиздаги пульмонология соҳасининг ривожиди ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган ва ибрат мактабини яратган академик Абдулла Убайдуллаевнинг фаолиятига алоҳида урғу қаратди. Шу билан бирга Республика тиббиёт ходимлари касбий малакасини ривожлантириш маркази (собиқ Тошкент врачлар малакасини ошириш институти) да илк бор пульмонология кафедрасини ташкил қилишда олим Абдулла Муҳаррамовичнинг ўрни алоҳида эканлигини таъкидлади. Шунингдек, 1978 йили январь ойида профессор Абдулла Убайдуллаев мазкур собиқ институтнинг пульмонология кафедрасига мудири этиб тайинланганлигини ўз фикрла-

рида баён этди. Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонологи илмий-амалий тиббиёт мараказининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосари И. Ливерко “Пульмонологиянинг яратилиши, босқичлари ва ютуқлари” мавзусида маъруза қилди. У ўз маърузасида пульмонология йўналишининг яратилиши борасида амалга оширилган ишлар, шунингдек, босқичма-босқич эришилган натижалар ҳамда унинг ютуқлари тўғрисида далиллар бой бўлган фаолиятларни иштирокчиларга тақдим этди. Албатта, маърузачи шу ўринда пульмонология тизимининг яратилишида академик Абдулла Убайдуллаевнинг машаққатли меҳнатларини бирма-бир ифодалаб ўтди. Академик Абдулла Убайдуллаев ҳамкасб ва шогирдларининг юқорида

таъкидлаб ўтган эътирофли фикрларини қўллаб-қувватлаб, албатта, шу кунгача ўз нуфузини йўқотмаган пульмонология мактабининг яратилиши ҳамда собиқ Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида “Клиник пульмонология” кафедрасини ташкил этишда собиқ Соғлиқни сақлаш вазири, мархум Қ. Зоировнинг алоҳида ўрни борлигини чуқур эҳтиром билан тилга олди...

Халқаро анжуманда мамлакатимиз профессор, олимлари ҳамда хорижий давлатлардан ташриф буюрган соҳа ходимлари пульмонологиянинг долзарб мавзулари бўйича маърузалар қилишди. Тадбир иштирокчилари сессияларга бўлиниб кун тартибидан ўрин олган, соҳанинг муҳим масалаларига эътибор қаратиб ўзаро фикр алмашдилар.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мазкур халқаро анжуман соҳа йўналишидаги ёш мутахассислар учун катта ибрат мактаби бўлди десак, муболага бўлмайди. Дарҳақиқат, мазмун ва моҳиятга эга бўлган кун тартибидидаги долзарб мавзулар ҳар бир анжуман иштирокчисининг фаолиятида муҳим ўрин тутишига ишончимиз комил.

Ибодат СОАТОВА,
журналист.

МАТОНАТ

АЁЛ ЖУФТИ ҚАЛОЛИГА БИР БУЙРАГИНИ БЕРДИ

Сирдарёлик Азизбек ва Шоҳсанамни турмуш қурганига унча кўп бўлмаган. Икки нафар фарзанди бор. Аммо, улар анча кичкина.

Аммо, шундай лаҳзаларда оила боқувчиси, 1988 йилда туғилган Азизбек Пармонкуловни соғлиқ билан боғлиқ муаммо анчайин кийнаб қўйди. Шифо умидида турли туман тиббиёт муассасаларга, у ердаги малакали мутахассисларга мурожаат қилди.

Натижа-чи, йўқ. Хуллас, Азизбек Гулистон тиббиёт кластери, унинг нефрология ва гемодиализ бўлимида диализ муолажасини ола бошлади.

Ҳа деганда, Азизбекнинг организмига мос ва хос бўлган буйрак топилавермади.

Ана шундай кунларда, Азизбекнинг турмуш ўртоғи, 1992 йилда туғилган, Шоҳсанам Пармонкулова ҳам тиббий текширувдан ўтди. Натижа-чи, ижобий. Фарзандлари ва уларни эртаси, камолотини ўйлаб бир буйрагини турмуш ўртоғига беришга қарор қилди. Бунини кўпчилик қўллаб-қувватлади. Қарши бўлганлар ҳам чиқди. Лекин, турмуш ўртоғи, унга нисбатан бўлган меҳри-муҳаббаги барча гап сўзлардан устун чиқди.

– Биласизми, Шоҳсанамни олдингидан-да, ўн карра

яхши кўраман. Чунки унинг меҳр-муҳаббат билан парваришланган бир буйраги мени ҳаётга қайта қайтарди. Ростини, ундан миннатдорман. Бахтимга, фарзандларим бахтига доимо соғ-саломат бўлсин, – дейди Азизбек.

Кунини кеча, Гулистон тиббиёт кластери унинг хирургия бўлимида навбатдаги буйрак трансплантация амалиёти ўтказилди. Шоҳсанамни бир буйраги турмуш ўртоғи, Азизбекка кўчириб ўтказилди.

Ушбу амалиётни Гулистон тиббиёт кластер хирургии, тиббиёт фанлари номзоди Акмал Уролов, трансплантолог Шерзод Тошмаматов, хирург Эркин Алиқулов, Бобомурод Шавкатовлар муваффақиятли амалга оширди.



Энг муҳими, аини вақтда улар саломатлиги анча яхши. Трансплантация амалиётидан сўнг, улар шифокорлар назорати остида даво муолажаларини олишяпти. Барча харажатлар эса, Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилди.

Гуллом ПРИМОВ,
Сирдарё вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси матбуот котиби.

ДИЙДОРЛАШУВ

ДУНЁНИНГ ШОДЛИГИ ЙИҒИЛСА БУТУН, ДЎСТЛАР ДИЙДОРИДАН БЎЛОЛМАС УСТУН

Биз мавзумизни бежизга бундай деб номламадик. Унинг замрида олам-олам маъно мужассамлашган. Қисқа қилиб айтганда "Меҳр" деган жозибали сўзнинг мужассам эканлигини кўрамиз. Ҳатто, меҳр тўғрисидаги кўшиқни эшитганингизда ҳам унинг нечоғлик қимматбаҳо эканлигини англаб етасиз.

Кунни кеча, ана шундай жозибали сўз сеҳрини қалбларга муҳрлаб олган 1974 йилда Тошкент педиатрия тиббиёт институтини тугатган ва бугунги кунда республикамиз тиббиёт ва олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган 130 нафар собиқ талабаларининг пойтахтимиздаги Шохсарой ресторанида дийдорлашув кечаси бўлиб ўтди. Қарангки, уларнинг мазкур олий таълим муассасасини тугатганларига 50 йил тўлибди. Ҳа, бу албатта, яқин масофа эмас. Бу йиллар давомида дийдорлашув кечасининг сабабчилари бўлган, халқимиз саломатлиги йўлида фидойиларча меҳнат қилиб келаётган соҳа ходимларининг ҳаёт сўкмоқлари сари умр ва фаолиятлари давомида кечинмалли ҳаётларини кўз олдимишга келтирамиз... Ушбу тадбирда иштирок этар эканмиз, соғинч ва меҳрлари чексиз бўлган юзларидан нур таралиб турган, эл дуосига мушарраф бўлган соҳа ходимлари шунингдек, оилада буважон ва бувижон макомини олган курсдошларнинг кириб келишларию ҳамда бир-бирла-

битирув кечасининг 50 йиллиги билан самимий қутлаб ўзларининг табрик сўзларини йўлладилар. Сўнгра мангуликка дахлдор бўлган устоз ва курсдошлар хотираси эсланиб суқут сақланди. Тадбир давом этар экан, бошловчилар илк бор институт остонасига қадам қўйганликларини ва талаба деган номга мушарраф бўлганликларини фахр билан эсладилар. Айниқса, ўша пайтда хужжат топширганлар орасида 27 нафар абитуриент олтин медаль билан ўқишга кирганликларини ҳам гапириб ўтдилар. Бежизга талабалик "Олтин давр" дейилмаган. Курсдошлар бирин-кетин ҳаётлари ва фао-

шифокор лавозимларида фаолият олиб бораётганликларини гувоҳи бўлдик. Шунингдек, бундан 50 йил муқаддам институти муваффақиятли тугатган талабалар орасида уларнинг 17 нафари қизил диплом билан тугатганли ҳам айтиб ўтилди. Бунинг ифодаси сифатида айтишимиз жозикки, ҳозиргача битирувчилар кўпчилиги ҳамон халқимиз саломатлиги ва жамиятимиз равнақи йўлида астойдил меҳнат қилиб



римишни жам бўлишида мен ва Гўзал Қодированинг маслаҳат ва таклифлари амалга ошиб, курсдошларимизнинг таширифи ўзгача кўрк бағишлаётган пойтахтимизда бўлганлиги ҳам бу албатта, бир-биримизга бўлган соғинч ва меҳримизни намоеън эта олди. Шу билан бирга тадбиримиз иштирокчилари гўзал Тошкент шаҳримизнинг диққатга сазовор бўлган тарихий обидалар ва зиёратгоҳларда ҳам бўлдилар.

Фотима Қурбанова Бухоро вилояти, Пешку тумани тиббиёт бирлашмаси 33-оилавий поликлиника шифокори:

Авваломбор шифокорлик касбини танлаганимдан жуда хурсандман. Чунки бу касб эгалари доимо элимизнинг дуосига мушарраф бўлиб юришади. Мана 50 йилдирки, халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилиб келаётганимдан мамнунман. Агар ортга назар ташлайдиган бўлсам, қанчадан-қанча дардманлар-дардига даво улашганим, уларнинг қалбига қувонч бахш этганим, бу албатта, касбимга бўлган қасамёдим ва садоқатим деб биламан. Шу қадар бахтли курсдошларимизки, битирув кечамизнинг 50 йиллигининг 130 нафар ҳамкасбларимиз билан кўтаринки кайфиятда нишонладик. Айниқса, ҳар биримиз дийдорлашув лаҳзаларида илк талабалик даврларимиз ҳамда шу кунгача давом эттириб келаётган фаолиятларимизни нечоғлик фахрли эканлигини чин дилимиздан ҳис этдик. Тадбир аввалида талабалик давримиздаги хотираларни эсладик. Устозларимизнинг берган сабоқларини ҳурмат билан тилга олдик. Шунингдек, оилавий ҳаётларимизга ҳам назар ташладик. Бунинг баробарида гўзал пойтахтимизга уюштирилган саёҳатимиз бизни ниҳоятда қувонтирди. Шунингдек, меҳр ришталарини янада туташтирувчи дийдорлашув кечасини ташкил этган курсдошларимиз Гўзал Қодирова ҳамда Абдугофур Абдумажидовларга ҳам курсдошларимиз номидан чексиз ташаккуримизни изхор этамиз.

суҳбатлашдик. Турмуш ўртоғим Усмоножон Олимжонов билан курсдош бўлиб бирга турмуш қурганлигимиз ва айни кунда бахтли оила бўлиб яшаб келаётганлигимиз, шу билан бирга ҳозирги пайтда хусусий клиникада ишлаётганлигимизни ҳам айтиб ўтдим. Ташкилотчиларимиз томонидан Тошкент шаҳрига уюштирилган саёҳат бизни ниҳоятда қувонтирди. Пойтахтимиз ниҳоятда гўзллашиб кетган. Айниқса, осмонўпар биноларнинг бир-биридан кўркамлигини айтмайсизми? Шунингдек, халқимиз учун барча шароитларнинг мужассам эканлигини гувоҳи бўлдик. Бу албатта, Давлатимиз раҳбарининг инсонларнинг турмуш-фаровонлигига бўлган чексиз эътиборидир.

Абдугофур Абдумажидов Тошкент педиатрия тиббиёт институти доценти:

Дийдорлашув кечамиз жудаям кўтаринки кайфиятда ўтди. 130 нафар курсдошларимизнинг иштироки ва талабаликдаги олтин даврларимизни хурсандчилик билан эсладик. Шунингдек, халқимиз саломатлиги йўлида олиб борган ва олиб бораётган фаолиятларимизга ҳам назар ташладик. Оиламиз, фарзандларимиз ва шириндан-шакар набира ҳамда эвараларимизни мамнунлик ила тилга олдик. Айниқса, талабалик давримизда бизга касбий билимларимизни назарий ва амалий бойитиб, илмий салоҳият йўлида таълим берган устозларимизга ўз эҳтиромимизни изхор этдик. Албатта, дийдорлашув тадбиримизни ташкиллаштириш ва курсдошла-




келмоқдалар. Дийдорлашув кечаси ниҳоятда мазмун ва моҳиятга бой бўлиб, иштирокчилар талабалик даврдан то шу кунга қадар бўлган ҳаётини кечинмаларини ўртоқлашдилар.

Тадбирда иштирок этган битирувчилар билан суҳбатда бўлганлигимизда улар умр йўллари ва фаолиятда эришган ютуқлари тўғрисида фахрлиниб гапирдилар.

Мукаррамхон Бекмуратова, Кўкон шаҳрида хусусий клиника бош шифокори:

Биз бугун жуда бахтли курсдошларимиз. Бир-биримизга бўлган соғинч ва меҳр-муҳаббатимиз талабаликнинг олтин даврларини эслатган бўлса, ундан кейинги даврларимиз эса касбимизга бўлган садоқатимизни ҳамда оила ва жамиятда тутган ўрнимизни ифодалай олди деса муболаға бўлмайди. Бундай ўз нуфузига эга бўлган меҳрли кечанинг ташкил этилиши ўз-ўзидан бўлмаган албатта. Бунда фаол курсдошларимиздан Гўзал Қодирова ва Абдугофур Абдумажидовларнинг ҳиссалари бекиёс эканлигини эътироф этаман. Тадбир кечасига жам бўлар эканмиз, чексиз соғинчу, меҳрларимиз шу қадар жўшиб кетдики, хурсандчилигимиз гўёки дунёни тутгандек бўлди. Бир-биримиз билан ўтган даврларимиз, оиламиз ва фаолиятимиз тўғрисида узок



рига бўлган соғинчли лаҳзаларни кўриб кўзларимизда беихтиёр қувонч ёшлари қалқиди. Файзу-барокатга бой бўлган тадбирнинг бошланиши иштирокчиларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Дийдорлашув кечасини курсдошлардан Тошкент педиатрия тиббиёт институти доценти Абдугофур Абдумажидов ва пойтахтимиздаги 51-оилавий поликлиника бош шифокори Гўзал Қодирова кириш сўзи билан очиди. Бошловчилар авваломбор, Тошкент шаҳрига таширифт буюрган курсдош меҳмонларни

лиятлари давомида бошларидан кечирган қувончли ва ташвишли кунлари, шунингдек, халқимиз саломатлиги йўлида олиб борган фидойи меҳнатлари орқасидан эришган муваффақиятларини бирма-бир эсладилар. Дийдорлашув кечасига келган курсдошлар рўйхатида эътибор қаратар эканмиз, улар орасида тиббиёт фанлари доктори, профессор, сенатор, Олий мажлис депутаты, тиббиёт олий таълим муассасаларида доцент, тиббиёт муассасаларида бош шифокор, бош мутахассис, бўлим бошлиғи, хусусий клиникаларда

Тадбиримиз ниҳоятда хурсандчилик билан яқунланди. Худудларда таширифт буюрган барча ҳамкасбларимиз жуда мамнун бўлиб қайтишди. Шундай экан, ҳаммамиз учун қимматли бўлган меҳр ҳеч биримизни тарк этмасин, — дейди тадбир ташкилотчиси Гўзал Қодирова.

Ибодат СОАТОВА,
журналист.

МАНГУ БАРХАЁТ

СЕРҚИРРА ОЛИМА ЯРАТГАН ИБРАТЛИ МАКТАБ

*Тиббиёт фани равнақиға муносиб ҳисса қўшган,
таниқли олима Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан
арбоби, тиббиёт фанларидоктори, профессор
Хуршида Ибниаминовна Янбаева ҳаёт бўлганида
100 ёшига тўлган бўлар эди.*

Хуршида Янбаева 1924 йил 7 июнда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Тиббиёт фанининг буюк дарғаларидан бири профессор Зулфия Умидова хонадонидан улғайган Хуршида опа ёшлигиданок, заҳматкаш олима, мукаррама волидасига ўхшаб, инсонлар дардига даво топиш, уларнинг соғлигини сақлашдек масъулиятли касб эгаси бўлиш орзуси билан улғайди. Бўлғуси шифокорнинг тиббиёт олами билан илк учрашуви иккинчи Жаҳон уруши йилларига тўғри келди. У 1942 йили Тошкентдаги 3664-эвакогоспиталда дастлаб санитар инструктор кейинчалик эса тиббиёт ҳамшираси сифатида ярадор ва беморлар дардини енгиллаштиришда шифокорлар билан биргаликда курашди. Шу билан бирга ўзининг калбида ҳам шифокор бўлиш орзуси ортиб бораверди. Ушбу кулугъ ниёт уни 1- Москва Тиббиёт Институтига ўқишга киришга етаклади ва бу институтни 1948 йили «имтиёзли диплом» билан тугатди. Ўз иш фаолиятини 1949 йилдан Тошкент давлат тиббиёт институтининг санитария-гигиена ва педиатрия факультетларининг госпитал терапия кафедрасида клиник ординаторликдан бошлади. 1953-1955 йилларда тез ёрдам клиник касалхонасида врач-терапевт, 1955-1960 йилларда Тошкент давлат тиббиёт институтининг госпитал терапия кафедрасида ассистент, 1960-1966 йилларда “Ўлка патологияси” илмий-тадқиқот институтида катта илмий ходим, 1967-1969 йиллари Тошкент давлат тиббиёт институтининг марказий илмий лабораторияси мудири, 1969-1976 йилларда эса госпитал терапия кафедраси профессори вазифаларида фаолият олиб борди. Ёш шифокор беморларни даволаш билан бирга унинг калбида соғлиги учун зарур бўлган илмий тадқиқотлар олиб бориш, янгиликлар яратиш иштиғи тугъён урарди. Шу мақсадда олиб борилган назарий ва амалий изланишларнинг натижаси сифатида

Хуршида Янбаева 1956 йилда “Ревматизм ва септик эндокардитли беморлар юрак-қон томир тизими функционал ҳолатининг ва реактивлигининг баъзи хусусиятлари тўғрисида” ўзининг номзодлик ва 1966 йилда эса “Ўзбекистонда ревматизм беморларнинг клиникаси ва эпидемиологияси хусусиятлари” бўйича докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Олиманинг бу изланишлари, айниқса, ревматизмнинг эпидемиологик хусусиятлари, у билан боғлиқ бўлган ижтимоий муаммоларнинг ўрганилиши Ўзбекистонда биринчи бор ўрганилганлиги билан қимматли ва аҳамиятлилиги туфайли илмий иш фақатгина мамлакатимизда эмас, балки хорижий давлатларда ҳам юксак баҳоланди.

Хуршида Янбаева 1977 йилдан 1991 йилгача Тошкент давлат тиббиёт институтининг 2-даволаш факультетининг “госпитал терапия ҳарбий-дала курси билан” кафедраси мудири вазифасида фаолият кўрсатди ва талабчан раҳбар, истеъдодли педагог сифатида кафедра ходимлари ҳамда талабалар орасида хурмат ва эътиборга эга бўлди. Олима кафедрадаги фаолияти мобайнида тиббиёт сирларини ўрганишда замонавий усулларни егаллаш, янгиликларни амалиётга татбиқ қила олишда кафедра ходимларининг илмий изланишларига имконият яратиб берди. Бу йиллари кафедра ходимлари томонидан кардиологиянинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшилиб, иссиқ иқлимли ўлкаларда, жумладан, мамлакатимизда юрак ишемик касалликлари, юрак нуқсонлари, артериал гипертензияларнинг метеорологик шароитларга, физик фаолликка нисбатан гемодинамик мосланишлар, клиник кўринишларининг ўзига хос хусусиятлари, гломерулонефритларда иммунологик жараёнлар бўйича изланишлар олиб борилиб, сурункали гломерулонефритда, люпус неф-

ритда, ревматоидли нефритда “Батриден” иммуносупрессори таъсири ўрганилиб, амалда қўлланила бошланди, шунингдек, буйрак усти мағиз қавати ҳолатига сурункали гломерулонефрит ва люпус нефрит патологиясида уларнинг активлиги даражасига кўра қўлланиладиган глюкокортикостероидлар таъсири ўрганилди, нефропатиянинг активлик даражасини баҳолаш ва унинг математик модулини яратишга аҳамият

Профессор Хуршида Янбаева раҳбарлигида 2 та докторлик, 32 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган. У “Юрак нуқсонлари” (1962 й. рус.т.), “Ревматизм ва юрак нуқсонлари” (1965 й. рус.т.), профессор Т.Солиев ҳам муаллифлигида “Ревматоидли артрит” (1975 й. рус.т.), профессор З. Умидова ва бошқалар ҳам муаллифлигида ёзилган “Иссиқ ўлка кардиологияси очерклари” (1975 й. рус.т.) 6 та монография ва 180 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи эди.

берилди. Кафедрага раҳбарлик йиллари мобайнида профессор Хуршида Янбаеванинг моҳир ташкилотчи раҳбар ва талабчан олима сифатида ёш мутахассисларни тайёрлашдаги қобилияти янада намён бўлди. 1991 йилгача кафедрада 30 дан ортиқ мутахассис клиник ординатура ва аспирантурада таҳсил олди. 1991-2005 йиллар мобайнида профессор Хуршида Янбаева Тошкент тиббиёт академияси (собиқ биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти) нинг госпитал терапия кафедраси профессори лавозимида фаолият кўрсатди ва ўз билими, кўп йиллик амалий кўникмаларини кафедранинг ёш ходимлари, малака ошириш курси тингловчилари, аспирантлари, магистр-резидентлари, 4-5-курс талабаларига ўргатиб келди. Профессор Хуршида Янбаева томонидан чоп этилган маърузалар ва ўнлаб услубий қўлланмалар-



да тиббиётнинг охириги ютуқларидан фойдаланилган. Профессор Хуршида Янбаева заҳматкаш, серкиррали, ташаббускор олима сифатида ҳам ташаббат оламида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиб келди. Унинг раҳбарлигида 2 та докторлик, 32 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган. У “Юрак нуқсонлари” (1962 й. рус.т.), “Ревматизм ва юрак нуқсонлари” (1965 й. рус.т.), профессор Т.Солиев ҳам муаллифлигида “Ревматоидли артрит” (1975 й. рус.т.), профессор З. Умидова ва бошқалар ҳам муаллифлигида ёзилган “Иссиқ ўлка кардиологияси очерклари” (1975 й. рус.т.) 6 та монография ва 180 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи эди. Профессор Хуршида Янбаева кўп йиллар мобайнида Республика кардиологлари жамиятига раислик қилди, кўплаб кардиология, терапия, ревматология, нефрология жамиятлари бошқаруви аъзоси сифатида фаолият кўрсатди ва катта тиббиёт энциклопедиясининг

3-нашрига ҳам муҳаррирлик қилди. Олиманинг 2003 йилда Республикаимизнинг 12 йиллик тўйига тўёна сифатида “Иссиқ ўлка кардиологияси очерклари II” монографиясининг нашрдан чиқиши эса кардиолог шифокорлар ва тиббиёт институти талабалари учун муносиб тўхфа бўлди. Бу монографияда олима кўп йиллик илмий ва амалий кузатишларининг ҳосиласини баён этиб, жумладан иссиқ ўлкалардан бири бўлган мамлакатимизда кардиологик беморларнинг организмига, шунингдек, эссенциал гипертензия ва нефроген гипертензиянинг кечишига иқлим шароитининг таъсирлари, гемодинамик, қон айланиши етишмовчилиги ўзгаришларининг ўзига хос хусусиятларига батафсил тўхталган.

Олиманинг тиббиёт соҳасидаги фидойи хизматлари муносиб тақдирланди. Хуршида Янбаевага “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” унвони берилган, 1999 йилда эса “Эл-юрт хурмати” ордени билан тақдирланган.

Заҳматкаш олима том маънода эл-юрт хурматини қозонди, элдан меҳр топди, ўз меҳрини берди. Зеро, бутун умрини инсонлар соғлигини сақлашдек шарафли, шунинг билан бирга ўта масъулиятли касбга бағишлаган бу мўътабар олима, серқирра педагог, ардоқли шифокор у кишини билган ҳамкасблари, шогирдлари, қолаверса, даволаган беморлари хотирасида хурмат билан қолади ва эсланади. Зеро, хотира-муқаддас, қадр-абადийдир!

**Шоира ҚОДИРОВА,
Тошкент тиббиёт академияси
катта ўқитувчиси.**

МОЙ ДОКТОР

ОПРАВДАЛ ОЖИДАНИЯ СВОЕЙ СЕМЬИ, ПЕДАГОГОВ И ДРУЗЕЙ

Я не знаю, как вы, но в своей жизни мне не приходилось встречать таких людей, которые бы с удовольствием шли к стоматологу удалять зубы.

Я ходила в этот кабинет только тогда, когда нет больше терпения, выдерживать зубную боль, как, наверное, и все другие. Болит один зуб, а кажется, что болят все! Вот так я и попала к доктору Хаётилло Хотамжанову, который внешне, на первый взгляд, выглядит нежным, хрупким и, довольно чувствительным и добрым пареньком. Когда я посмотрела на его руки, я с ужасом подумала: «С такими тоненькими нежными пальчиками играть, только на фортепиано...». Однако, когда он стал выдёргивать мне зуб, я поняла, что передо мной, стоит профессионал своего дела и довольно высокого класса!

Если бы я с этим врачом-стоматологом, Хаётом, встретила ещё в свои молодые годы, то, наверное, при таком индивидуальном разумном подходе к каждому своему больному, у меня, должно быть, сохранились бы добрая половина моих ранее потерянных зубов! Мне 77 лет, ему 32 года... Мой случай, не про нас! И всё же я счастлива, что встретила молодого человека, в котором разглядела, любовь и уважение к больным. «Мой врач», «Мой стоматолог» (так я теперь его называю), неспроста разбирается в своей профессии! К этому он пришёл через тернии изучения многочисленных научных материалов, учебной литературы и практики и большого опыта своего отца Хатамжона Абдуманнапова! Будучи совсем ещё маленьким, Хаёт твёрдо знал, что будет, как его любимый папа – стоматологом! Ведь он был для него всегда и во всём примером, но когда он впервые столкнулся с «кровотечением», то, тут же, потерял сознание, а придя в себя, почему – то решил, что ошибся в выборе этой профессии! Однако, у него были прекрасные педагоги, которые с большим пониманием и доброй улыбкой сумели сохранить ему его физическую и духовную гармонию, от которой

родились в нём благородство, бескорыстие и рыцарство, сражаться за здоровье каждого больного, кому нужна его помощь.

Хаётилло оправдал ожидания своей семьи, педагогов, родных и многих друзей. Его мама – Дильдора Эгамбердиева, всегда верила в своих четырёх сыновей и ни грамма не переживала за сына только потому, что уж так принято в их семье идти по жизни сообща, плечом к плечу, бок о бок, все сложные задачи решать совместно. Быстро пролетели годы учёбы в колледже информационных технологий города Гулистана, где Хаёт впервые распознал чувства собственной гордости и радости, когда стал обладателем первого места на Республиканской олимпиаде! Его самооценка резко повысилась, и он поставил перед собой задачу: во что бы то ни стало, получить высшее образование в Ташкентской Медицинской Академии.

Порогов в судьбе было немало. Но все трудности Хаёт Хатамжанович преодолел. Сегодня он счастливый муж, отец 3-х сыновей и одной замечательной лапочки дочки. Пока сидишь в коридоре и ждёшь своей очереди к доктору, от пациентов можешь услышать много интересного о разных врачах, с которыми им приходилось в жизни встречаться. По словам одной пациентки вот уже на протяжении многих лет, Хаётилло стал их семейным доктором, то есть, трое детей, муж и она сама ходят на лечение только к нему. Они очень благодарны ему за отзывчивость, за качественное лечение, за врачебную этику, за профессионализм. Я тоже хочу выразить свою благодарность и тёплые чувства уважения этому своеобразному, замечательному врачу, лучшему стоматологу – Хаётилло Хатамжановичу, который производит чарующее впечатление своим обворожительным обращением



с больными, его отзывчивости, старательности, поразительной его энергии, ясности ума и знаний.

*Доктору стоматологу
Болят зубы дни и ночи,
Боль терпеть нет больше мочи.
От лекарства толку нет,
Доктор, милый, дай совет!
Ну-ка, шире рот откройте,
И меня не беспокойте.
Я когда вас приглашал?
Сколько раз вас убеждал?
Нельзя времени терять,
Зубы можно растерять.
Все каналы «гноя» закрыл,
От того, мой друг, ты выл!
Зубы нам не сохранить,
Стоит лишь их удалить.
Без зубов же я останусь,
Если с ними, вдруг, расстанусь.
Милый мой, больной, их два,
То не зубы то – «ботва»,
«Сорняки» они, и только,
Не жалейте их несколько.
Вам протезы изготовят
И красиво установят.*

*Вы про боль забудете,
И здоровой будете.
Тут я в зеркало взглянула,
Понимающе, вздохнула:
Перекошено лицо,
И внутри, одно «гнильцо».
Чудный доктор Айболит,
Голова и зуб болит,
Я во власти Ваших знаний,
И логичных толкований.
В руках шприц и инструменты,
Удалён был зуб в моменты.
Это ж, просто волшебство,
А ещё – профмастерство.
Столь деликатен, разумен, учтив,
Мой доктор, Хаёт, Вами я
восхищаюсь.*

*Надежду на лучшее, мне посулив,
Я заново миру в душе улыбаюсь.
Я Вам желаю процветанья,
Нести здоровье, радость, смех.
Работа Ваша пусть приносит
Вам лишь признание, успех.*

Людмила МАХНАКОВА,
г. Гулистан.

ФВБ ОГОХЛАНТИРАДИ

ХАВФСИЗЛИК ТАЛАБЛАРИНИ БИЛАСИЗМИ?

Қонунчиликка кўра, очик майдонларда ёки биноларда (иншоотларда) белгиланган тартибда ташкил этилган кийим бозорларида ташкилот раҳбари қуйидаги ёнгин хавфсизлиги талаблари бажарилишини таъминлайди:

– эвакуация йўлларига олиб борувчи йўлақлар ва ўтиш жойларидаги савдо расталарнинг ўтиш қаторларининг кенглиги 2 м дан кам бўлмастлигини;

– савдо қаторларининг ҳар 30 м дан сўнг кенглиги камида 1,4 м бўлган кўндаланг йўлақлар бўлишини;

– ярмаркалар ва бозорларда ёнгин содир бўлганда одамларни ва моддий бойликларни эвакуация қилиш, биноларни ва ҳудудни тарқатиш режалари (схемаси) ҳамда хизмат кўрсатувчи ходимларнинг мажбуриятлари ишлаб чиқиши лозим.

Н. ҒОФУРЖОНОВ,

Ўзбекистон Республикаси Бош вазир қотибияти ҳукумат уйи биносидан фойдаланиш бошқармасида ва хўжалик фаолияти бошқармасининг автохўжалиги биносидан ЁХТТЭБ кичик инспектори, оддий аскар.

БЕПАРВО БЎЛМАЙЛИК

Ёнгин деб аталмиш офат иморат-у, уй-жойларни қулга айлантиради, инсонларни ҳаётига зомин бўлади. Ёнгин — тилсиз ёв. Унинг қачон келиб чиқшини билиб бўлмайди, шунинг учун доимо хушёр

ва огох бўлиш, лоқайдлик ва бепарволикга йўл қўймаслигимиз зарур.

Фавкулотда вазиятлар бўлими томонидан ҳудудларда содир бўлаётган ёнгинлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида тақдим этилаётган ушбу маълумотлардан хабардор бўлиш ва ҳар бир инсон ўзи учун хулоса чиқариб олиши ҳамда атрофдагиларни ҳам огохлантириши фойдадан ҳоли бўлмайди. Фавкулотда вазиятлар ва ёнгинларни олдини олиш борасида олиб борилаётган профилактик тадбирларга қарамасдан айрим фуқароларимиз томонидан ёнгин хавфсизлиги қондалари амал қилмасликлари ёхуд масъулиятсизликлари натижасида аҳоли яшаш хонадонларида ёнгинлар содир бўлмоқда. Барҳаёт МФЙ Навбахор кўчасида яшовчи фуқаро К.М.нинг хонадонига тортилган электр симларини қиска туташуви натижасида ёнгин содир бўлиб, ёнгин натижасида яшаш уйининг том ва шифт қисми қуйиб 7 миллион 885 минг сўм миқдорда, шунингдек, Урганжи МФЙ Андижон кўчасида яшовчи М.Қ.нинг хонадонига навес қисмида ўчоққа ўт ёқиб назоратсиз қолдириш оқибатида ёнгин келиб чиқиб, 8 миллион 354 минг сўм, Юқори Чувама МФЙ Пахтаобод кўчасида яшовчи Ш.Т.нинг хонадонига навес қисмида фарзанди Т.Ш.нинг гугурт ўйнаши оқибатида ёнгин келиб чиқиб, 16 миллион 932 минг сўм моддий зарар кўрган.

Кўп йиллик меҳнат орқали топилган бойлигимизни, хонадонимиз ва фарзандларимизни саломатлигини, тинчлигини, барқарор сақлашда бепарво бўлмайлик.

Убайдулла ЛУТФУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси маъмурий биноларида
ЁХТТЭБ 4-бўлимаси кичик инспектори, катта сержант.

ҚУРИЛИШ МЕЪЁРЛАРИ БУЗИЛСА

Айрим ҳудудларда эътиборсиз қолдирилган бинолар, вақтинча бўш турган иншоотлар ёнгин хавфи бор жойлар ҳисобланади. Хусусан, қурилиши тугамаган айрим биноларда тез аланга олувчи турли буюмларни тўпланиши ва қаровсиз қолдирилиши ёнгин келиб чиқиши эҳтимолини оширади.

Бундан ташқари, ховли уйларда содир бўлаётган ёнгинларнинг оралик масофаларни сақлаш, томлардаги ёғоч панжараларга тилсиз ёвга қарши махсус суяқлик билан ишлов бермаслик, уйлар орасида ёнгинга қарши деворлар қурилмаслик сабаб бўлмоқда. Шунинг учун хонадонларда ёнгинни олдини олиш мақсадида янги қурилатган ёки таъмирланаётган уй-жой ҳовлиларда ёнгин ошхона ва тандирхона, молхона ва ем-хашак хоналарнинг ҳамда ҳар бир жуфт хоналар орасида олти метрдан кам бўлмаган ёнгинга қарши ораликларни сақлаш керак. Шу билан бирга, икки қўшни хонадон оралигида томни кесиб ўтувчи 60 сантиметр баландликдаги ва қалинлиги 12 сантиметрдан кам бўлмаган ёнгинга қарши деворлар билан ажратиш зарур. Уй томининг ёғоч панжаралари ўтга бардошли бўлиши учун унга суяқликлар билан ишлов бериш, иситиш печкаларини қоидага мувофиқ ўрнатиш зарур. Энг муҳими, бинодан фойдаланишда ёнгин хавфсизлигини таъминлашнинг оддий қондаларига риоя этиш каби тадбирлар орқали иморатларни ёнгиндан сақлашга эришилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ёнгин хавфсизлиги қондаларига қатъий амал қилишингизни сўраймиз.

Н. ЮСУПОВ,
“Қорасув Қароргоҳи” Давлат резиденцияси
ЁХТТЭБ инспектори, капитан.

ВСЕМИРНЫЙ ДЕНЬ ДОНОРА КРОВИ

СПАСАЯ МИЛЛИОНЫ ЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЖИЗНЕЙ

Ежегодно 14 июня во всем мире отмечается Всемирный день донора крови. В этот день мы выражаем благодарность людям, добровольно и безвозмездно сдающим кровь, необходимую для спасения человеческих жизней, повышаем осведомленность о необходимости регулярного донорства для обеспечения качества, безопасности и наличия крови для нуждающихся в них пациентов. Датой праздника выбрали день рождения Карла Ландштейнера – австрийского врача и иммунолога, который открыл различия в группах крови у человека. В 1930-м году он получил за это Нобелевскую премию.

Впервые День донора крови прошёл в 2004 году, но официально Всемирная ассамблея здравоохранения его утвердила только через год.

Сегодня в нашей стране проходят просветительские лекции и акции по сбору крови, организуются встречи и «круглые столы» для молодежи с участием лиц, награжденных нагрудным знаком «Почетный донор Республики Узбекистан», в том числе лиц, являющихся безвозмездными донорами крови на протяжении многих лет. Участники мероприятий рассказывают о роли, которую может сыграть каждый человек, сделав ценный подарок

в виде крови или плазмы, которые столь важны для создания стабильных и безопасных запасов, чтобы все нуждающиеся пациенты могли получить своевременное лечение.

Само слово «донор» происходит от латинского «donare» – дарить, потому что зачастую доноры дарят другим не только кровь, но и жизнь. Ежесекундно во всем мире у людей любого возраста и происхождения возникает потребность в переливании крови по жизненным показаниям. Чаще всего донорская кровь требуется при выполнении высокотехнологических операций, в реанимациях, в травматологических, гематологических и хирургических

отделениях. Кровь также необходима при родах и разной тяжести кровотечениях. В таких случаях она нужна достаточно быстро, когда счет идет на секунды. Компоненты крови необходимы для лечения онкогематологических заболеваний, таких как лейкомия и гемофилия. Особенно тревожит, когда эти недуги выпадают на долю детей.

В нашей стране каждый здоровый гражданин возрасте от 18 до 65 лет имеет возможность приобщиться к донорскому движению. На сегодняшний день только в Ташкентской области насчитывается более двух с половиной тысяч доноров и десятки награжденных нагрудным знаком «Почетный донор Республики Узбекистан». Здесь стоит отметить заслуги более сорока лет проработавшей в этой сфере Сайеры Джамаловой из Кибрайского района.

На основании постановления главы нашего государства от 9 августа 2022 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности учреждений службы крови и развитию безвозмездного донорского движения среди насе-



ления республики» в регионе проводится широкая разъяснительная работа среди населения, повышается качество услуг, создаются благоприятные условия для доноров. Повсеместно внедряются высокотехнологические виды оборудования.

Совместно с ведущими медицинскими вузами и научно-исследовательскими центрами осуществляем подготовку, переподготовку и повышение квалификации

специалистов по направлениям «Клиническая трансфузиология» и «Производственная трансфузиология» на основе передового зарубежного опыта.

Публикуем материалы в средствах массовой информации и социальных сетях, занимаемся популяризацией волонтерского движения в развитии безвозмездного, расширении масштабов выездного донорства.

При этом уделяем особое внимание освещению роли донорства крови в укреплении в обществе таких высоких качеств, как гуманизм, патриотизм и чуткость.

Гульмира РАЗЗАКОВА,
временно исполняющая обязанности главного врача
Ташкентской областной станции переливания крови.

ИБРАТ

ФАХРИЙ ДОНОРЛАР ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИДА ОВҚАТЛАНИШ УЧУН ПУЛ ТЎЛАШМАЙДИ

Донорлик – савобли амал! Бегараз қон топириши – инсонийликнинг олий намунаси. Донорлар ана шундай инсонлар бўлиб, улар тўфайли ҳар кунининг беморлар ҳаёти сақлаб қолинади.

Хўш, юртимизда донорлик фаолияти қандай йўлга қўйилган? Бегараз қон топирувчи шахслар қандай ҳуқуқ, имтиёз ва кафолатларга эга? Қонунчиликка кўра:

– қон ва унинг таркибий қисмларини мунтазам равишда ҳамда бепул топирувчи донор “Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” кўкрак нишони билан тақдирланади ва БХМнинг 5 баравари миқдорида бирйўла бериладиган пул мукофоти олади;
– мазкур кўкрак нишони

билан тақдирланган шахслар тиббиёт муассасаларида овқатланиш тўловидан озод қилинади;


– қон топирадиган кунининг, шунингдек тиббий кўрикдан ўтадиган кунининг донор ана шу кунлар учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод қилинади;

– ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари, таълим олувчиларнинг бошқа тоифалари қон топирадиган кунининг, шунингдек тиббий кўрикдан

ўтадиган кунининг машғулотлардан, ҳарбий хизматчилар эса нарядларни бажаришдан, хизматни ўташининг вахта ва бошқа шаклларида озод қилинади;

– донорга ҳар сафар қон топириш кунининг бевосита эртасига дам олиш учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда кўшимча 1 кун берилади. Донор хоҳишига кўра мазкур дам олиш кунининг ҳар йилги меҳнат таътилига қўшиб берилиши мумкин;

– донорлик учун пул мукофотлари, шунингдек, тиббиёт муассасаларининг ходимлари томонидан қон олганлик учун олинадиган суммалар солиқ тўловчининг жами даромади таркибига киритилмайди;



– донор ходимларга кўрикдан ўтиши, қон топириши ва қон топирилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун тўлов, ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш жумласига кирди;

– соғлиги сақланиши тиббиёт ходимлари томонидан кафолатланади ҳамда соғлигига етказилган зарарнинг ўрни қопланади.

@ssvuz.



Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.
Электрон манзилми: www.uzssgzt.uz

Бош муҳаррир
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Zdravoohranenie Uzbekistana" газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015–рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев
Таҳририят манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2–қават. Тел/факс: (71)233–13–22, тел.: (71)233–57–73.
Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41 уй/Тел/факс: (71)233–11–07.

Газета ҳажми
2 босма табоқ.
Формати А3. Офсет
усулида чоп этилган.

Адади - 703 дон.
Буюртма рақами Г-638.

Босмаҳонага
топирилиш вақти:
21-00. 3 4 5 6 7
Топирилди 18-00.